

Бизнинг адабиёт соҳасида, таассуфга қарши, кўлагада қолиб қетган; тўгриси, кўлагада қолдирилиб қелган - бир тоифа бор. Бир чеккаси ўзим ҳам шу тоифага мансуб бўлганимдан шу тоифанинг аҳолини кўпчиликка билдириб ўтай дедим. Йўкса, у тоифа аллақимлар томонидан — атайлабми, ё бепарволик натижасидами — ҳалигача кўлагада қолдирилиб қелади. У «аллақим»ларнинг бу галати қилмишлари, бир системага айланиб бораётир. Шу учун ҳам товуш чиқариб «қоровул» деб қўйиш лозим, зарур!

Мен — шўрлик таржимонлар, адабий таржимонлар, сахна таржимонлари тўгрисида гапирмоқчиман. Агар адабий таржима иши ўша аллақимларнинг ўйлаганидай, осон ва енгил бўлсайди, индамасак ҳам бўларди. Фақат яқинда бир дарслик учун баъзи нарсалар, таржима қилишга тўғри қелади. Ўшанда қандай қийналганимни ўзим биламан, ҳам ўша таржима қилинган материал билади! Бизнинг бу гўзал ва буюқ ватанимизда 17 йилдан бери шундай бир қонун ҳукм сурадики, ҳар қим ишига яраша, меҳнатига, уринишига лойиқ муқофот олади, тақдир қозонади. Аммо, ҳалиги кўлагада қолган шўрликлар шу неъматдан, одам болалари тарихидаги энг буюқ ва ҳақли инқилобнинг медаларидан; тўла фойдаланиб қеладиларми? — Йўк! Шу «йўк» сабабидан мен бу сатрларни қоралаб ўлтурибман. «Қуруқ гап қулоққа ёқмайди», десангиз, мана фактлар, ўжар ва қайсар фактлар:

Кечагина севимли Академик театримизнинг режиссури ўртоқ Виттнинг «Ревизор» қўйилиши тўгрисида мушоабасини ўқидингиз. Бошидан-оёқ диққат билан ўқиб чиқсангиз сизда шундай бир таъсир ҳосил бўладики, бу буюқ ўлмас асарни улуг Гогол ўзбек тилида ёзганда ўртоқ Витт тайёр пиесани сахнага қўяётир! Фақат, ҳақиқат ундай эмас-қу. Уни Гогол рус тилида ёзган. Рус тилидан украина тилига (бир-бирига яқин бир тилга) ағдарилган вақтда ҳам «таржима» деб аталиб таржимоннинг номи ҳар ерда қўрсатилади. Айниқса шундай асарни қўювчи қатта қиши санъаткор мушоаба берган вақтида таржима тўгрисида, сўз бўлмаслиги мумкин эмас. Фақат бизнинг театрларда бизнинг ҳурматли санъаткорларимиз шу тўғрида, нечиқдир, «паст хотир, унутувчан» бўладилар. Аксари либосчига қадар унутмасдан реклам қилгонлари қолда шу қадар бой ва ишланган тиллардан анча қамбағал ва ҳали ишланиб етмаган тилларга таржима қилгонларни дарров унута қоладилар. Буларнинг бу унутишлари эски мадраса мударрисларининг «лашай» (ҳеч нарса) ларини эслатади... Газеталаримизни батартиб ўқиб боргонлар бу унутқоқлик «одати»нинг қўп-қўп сахна асарлари, қўп-қўп режиссур ва қўювчиларда бор бир қасал бўлганини яхши биладилар.

Мен шу «Ревизор» таржимаси тўгрисида бир қун ўртоқ Витт билан бир-икки оғиз гаплашиб эдим. (Таржима Санжар ўртоқники.) Таржиманинг баъзи жойларидан норози бўлиб гапиради. Демак, таржима тўгрисида (ёлғиз қамчилигини олиб бўлса ҳамки)

гапириш учун асос бор эди. Буни ўрток Витт билмас эди десак, албатта хато бўлади. Асарнинг тилидан ҳеч нарса билмаган одам уни сахнага кўя оладими? Йўк! Шу холда ўрток Виттни унутқоқликдан бошқа нарсада айблаб йўлмайди. Мен демак иштайманки, бу ҳам кичик айб эмас. Театр афишасида (эълони) бошқа масала. Майли, унда факат кўювчи билан администратор ва гайри-гайрилар кўрина берсин (гарчанд бу ҳам конуний эмас!) Лекин жиддий асарнинг жиддий кўйилиши тўгрисида жиддий санъаткор томонидан жиддий сўз кетаётганда охирга қадар жиддий бўлиш керак!

Ханри Барбюсни билмаган ким бор? Сотсиалистик инкилобнинг ва сотсиалистик ватанимизнинг бу оламшумул буюк мудофаачиси «Ўт» (олов) номли бир роман ёзган. Уни бизнинг давлат нашриётимиз бостириб чиқарди. Аслида франсузча ёзилиб русча орқали ўзбекчага таржима этилган бу асарнинг ўзбекчасида таржимон исмини ахтарсангиз анча овора бўласиз. Умидсизланмасдан варақлай берсангиз асарнинг тиражи ва заказ нумери ёзилган жойда жуда кичик (ажинадай) ҳарф билан қаторасига уч унвон ўқийсиз - масъул муҳаррир, техника муҳаррири, сўнгра... таржимон. Шу ерга етганда сиз биласизки, асарнинг таржимони Буюк ўрток экан. Балки Буюқнинг таржимасида кўп камчиликлар бордир. Шундай, бўлгани тақдирда ҳам уни бир бурчакка беркитиб ўтиш лозимми? Нега ёзувчининг ёни-берига жойлаштириб, сўнгра шунга яраша у танқид қилинмасин? Бу «дардни яшириш» эмасми?

Мирзақалон ўрток Толстойнинг қатта бир асарини таржима қилиб чиқди. Асар босилди, сотилди. Мирзақалоннинг яна бошқа қатта таржималари бор. Нима учун ўша таржималар, уларнинг тили, услублари тўгрисида яхши текширишлар, танқидлар, тақризлар йўк? Шекспирнинг «Ҳамлет»ини айтиб ҳам ўлтурмайлик...

Хуллас, нашриётларда ўлтурган аллақимлар ёзувчи билан техника муҳаррирларини; театрларда ўлтурган аллақимлар ёзувчини, ўзларини, администратор ва либосчини билдилар. Иккиси ҳам ўйлайдики ўз ишларида шундан бошқа аралашувчи йўк. Бу агар факат унутувчанлик натижаси эса, демак, унутувчанлик бир қасалга ақланиб боради. Совет адабиёти ва сахнаси турли қасаллар билан қурашиб ва енгиб келган, буни ҳам енгиб ташлашга гумонимиз йўк.

Кўлагада колгонлар тўгрисида. — «Кизил Ўзбекистон» газетасининг 1935 йил 10 май

сояида босилган.

Витт — В. Витт 20-йиллардан Хамза номли театрда режиссёрлик қилган. Кейинча формалистикда айбланган, унинг постановкаларидан гоаявий камчиликлар кидириб топилган.

Санжар ўрток — Санжар Сиддик (1902—1938), ўзбек таржимони ва журналисти, таржимашунослик муаммоларини тадқиқ қилган олим. Лопе де Вега, Л. Толстой, Н. Гоголь, Убайд Зоконий каби ёзувчиларнинг асарларини ўзбек тилига ўгирган.

Ханри Барбюс (1873—1935) — француз адиби, катор шеърий тўпламлар ва романлар муаллифи. Маколада тилга олинган машхур «Ўт» романи 1916 йилда ёзилган.

Буюк ўрток — Буюк Каримов (1906—1945) фольклоршунос олим.

Мирзакалон ўрток — таникли ўзбек ёзувчиси Мирзакалон Исмоилий (1908—1975). Чўлпон Мирзакалон Исмоилий таржимасида 1933 йилда чоп этилган Толстойнинг «Тирилиш» романини назарда тутмоқда. Бундан ташкари М. Исмоилий «Анна Каренина» (Л. Толстой), «Сўна» (Э. Войнович), «Чоликуши» (Рашод Нури Гунтекин), «Инсон тақдири» (М. Шолохов) каби катор дурдона асарларни ўзбек китобхонига етказган.